



## MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi: 20- oktabr 2021  
Ma'qullandi: 25- oktabr 2021  
Chop etildi: 30- oktabr 2021

## KALIT SO'ZLAR

мулоқот маданияти,  
таълим ресурслари,  
педагогик мулоқот,  
мулоқот маданияти  
мезонлари

## ТАЛАБАЛАРДА МУЛОҚОТ МАДАНИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МЕЗОНЛАРИ ВА КЎРСАТКИЧЛАРИ

Узакова Қансулу Ережелбаевна<sup>1</sup>, Мнажатдинов Дастан  
Мнажатдин ўғли<sup>2</sup>

<sup>1,2</sup>Навоий давлат педагогика институти  
Нукус филиали

<https://doi.org/10.5281/zenodo.5651421>

## ANNOTATSIYA

Мақолада талабаларнинг мулоқот маданиятини шакллантиришнинг асосий муаммолари, мулоқот маданиятини ривожлантириш мезонлари ва кўрсаткичларини ўрганиш, уларни амалиётда қўллаш ҳақида фикр юритилади. Мақоланинг асосий мақсади ҳозирги кундаги муҳим мавзулардан бири талабаларда мулоқот маданиятини ривожлантириш ва унинг мезонлари, ҳамда кўрсаткичларини ўрганиш ва модернизациялаштиришдир.

Тадқиқотлар тизимли ёндашув, мантиқнинг умумий қоидалари, билиш назарияси, қиёсий педагогика, педагогик психология асосида олиб борилади.

Тадқиқот мавзусига оид психологик-педагогик адабиётларнинг назарий таҳлили, педагогик кузатув, суҳбат, моделлаштириш, лойиҳалаштириш, ташхис, педагогик эксперимент, маълумотларни мужассамлаштириш, таққослаш, солиштириш, умумлаштириш ва

статистик ишлов бериш усулларида фойдаланилган.<sup>1</sup>

Тадқиқотнинг методологик асоси қуйидагилардан иборат: ҳодисаларнинг умумий алоқаси ва ўзаро боғлиқлиги, шунингдек, иш ва мулоқотда инсоннинг ўзини ўзи англаш усули сифатида фаолият. Назария ва амалиёт ўртасидаги муносабатлар, маданиятни таълимнинг ажралмас моделида ўзгаришларга олиб келадиган фалсафий категория сифатида тушуниш. Методологияга шахс шаклланиши ривожланишининг гуманистик

<sup>1</sup> Назарий манбалар: Мулоқот маданияти назарияси (А.Г. Андреева, В.Т. Ащепков, Ю.К. Бабанский, А.В. Беляев, О.В. Бескровная, А.А. Бодалев, А.В. Брушлинский, В.И. Горовая, Е.В. Горячкина, И.К. Журавлев, И.А. Зимняя, Н.В.

Кузьмина, А.А. Леонтьев, В.М. Плескунов, Е.И. Рогов, И.И. Рыданова).



назариялари, тадқиқот жараёнида миллий ғоялар ҳам киритилган.

### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

мулоқот маданияти тушунчаси моҳиятини ёритиб бериш орқали талабаларнинг мулоқот маданиятини ривожлантириш, талабаларда мулоқот маданиятини ривожлантиришнинг мезонлари ҳамда кўрсаткичлари тузилмасини аниқлаштириш;

- талабаларда мулоқот маданиятини ривожлантиришнинг алгоритмик босқичларини аниқлаш;

- миллий ғоя, мафкура, маънавий уйғунлик ва авлодларнинг тажрибасини замонавий таълим амалиётида акс эттириш ва ишлаш усуллари;

- талабаларда мулоқот маданиятини ривожлантириш жараёнларининг моделини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** олий таълим муассасалари талабаларида мулоқот маданиятини ривожлантириш мезонлари ва кўрсаткичларини аниқлаш жараёнлари.

### **Тадқиқотнинг илмий янгилиги:**

Тадқиқот давомида олиб борилган изланишлар давомида қуйидагилар аниқланган:

-университетда касбий тайёргарлик жараёнида талабаларнинг мулоқот маданиятини шакллантиришнинг педагогик шарт-шароитлари (таълим муҳити, педагогик, ташкилий-педагогик, кадрлар, дастурий-методик, психологик технологиялар) аниқланган;

- мақолада замонавий университетда касбий тайёргарлик жараёнида талабанинг мулоқот маданиятини ривожлантиришга ҳисса қўшадиган ўқитувчининг миллий қадриятларга бўлган муносабатлари ҳамда касбий ва шахсий фазилатлари келтирилган;

- талабаларнинг коммуникатив маданиятини шакллантириш бўйича замонавий дастурларнинг қиёсий таҳлили амалга оширилади;

- ўқитувчининг коммуникатив маданияти қонуниятлари ва унинг университет талабаларининг касбий тайёргарлигига таъсири;

- университетда касбий тайёргарлик жараёнида талабаларнинг мулоқот маданиятини ривожлантириш даражаларининг мезонлари ва кўрсаткичлари ўрганиб чиқилган.

**Кириш.** Касб рисоласида айтилишича учта тушунча замон ва макон танламайди. Булар сўзлаш, тинглаш ва англашдир. Одамзот яралибдики, ўзаро муносабат жараёнида ана шу уч бирликка амал қилиб келинади. Бунинг намоён бўлиши ҳар бир халқнинг ўз менталитетига мос ва хосдир. Ўзаро муносабат, мулоқот қилиш жараёнидаги ўзини тутиш ва муомала маданияти тушунчасида уйғунлашади. Киши маънавиятининг узвий бир бўлаги муомала маданияти бўлса, хулқ-атвор, одоб-ахлоқ, нутқий фаолият тушунчалари унинг замирига киради. Асрлар оша ҳар бир халққа хос бўлган, миллий-маънавий қадриятлар юксак маданият рамзига айланган урф-одатлар, юриш-туриш, яшаш тарзи барчаси киши шахсиятида акс этиши



табий. Рисоладаги шарқона қараш, шарқона ҳаёт фалсафаси билан бевосита боғлиқ бўлган инсонлараро муносабатлар меъеридан келиб чиқиб, талабаларда мулоқот маданиятининг шаклланишида уларнинг ўрни масалаларига эътибор қаратиш лозимдир. Сабаби, биз шарқ инсонларининг мулоқот маданиятимиз ҳамда миллий қадриятларимиз ғарб мулоқот маданиятидан ўзига хослиги билан ажралиб туради. Шундай экан ҳозирги кунда замонамиз қанчалик шиддат билан ўзгариб бормасин айнан ушбу соҳада ўтмишга назар солиб ота-боболаримизнинг ўғитлари, шарқ файласуфларининг ўзига хос фикрларини инобатга олиб талабалар мулоқот маданиятини ривожлантириш мезонлари механизмини ишлаб чиқсак муболаға бўлайди. Талабалардаги мулоқот маданияти баркамоллик белгиси бўлган таълим ва тарбияга, маънавият ва маърифатга бориб боғланади.

Мамлакатимизда Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларнинг ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш, замон талабларига жавоб берадиган меҳнат бозорида рақобатбардош кадрлар тайёрлаш учун зарур шарт-шароитлар ва имкониятларни яратиш бўйича мақсадли йўналтирилган чоратадбирлар амалга оширилди. Жамият тараққиётини илм-фан ривожисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Чунки илм-фан ишлаб чиқариш, унинг моддий асосини яратиш, технологик ривожлантириш ва энг асосийси

кадрлар билан таъминлаш вазибаларини ўз зиммасига олади.

Мулоқот маданиятни шакллантириш технологияларининг жорий этилиши таълим жараёнини оптималлаштириш ва замонавий жамиятнинг умумий маданияти шароитида талабаларнинг мулоқот маданиятини ривожлантиришга ҳисса қўшди. Талабаларнинг коммуникатив фаолиятида касб-хунарга йўналтиришни рағбатлантириш, мулоқот маданияти бўйича семинар, баҳс-мунозара ва дебатларни ташкил этиш туфайли уларда мулоқот маданиятининг ривожланишига эришиш мумкин. Мулоқот маданиятини шакллантириш кўрсаткичлари динамикаси экспериментал гуруҳларда ўтказилган тажриба давомида уларнинг коммуникатив фаоллигини рағбатлантириш, таълимнинг турли шакллари тақдим этишда ўзгарувчанликка эришиш ёндашувларидан фойдаланиш асосида талабаларнинг коммуникатив маданиятини шакллантириш кўрсаткичларини кузатиш ва моделлаштириш ўрганилди.

Энг муҳим мулоқот маданияти кўникмаларга қуйидагилар киради:

- эмоционал алоқа ўрнатиш,
- мулоқотни бошлаш қобилияти;
- ўз ҳис-туйғуларини назорат қилиш қобилияти
- кузата олиш ва эътиборни жамлаш қобилияти;
- суҳбатдошининг психологик хусусиятларини ташқи белгиларга кўра тушуниш;



- вербал ва новербал мулоқот қобилиятлари ва бошқалар.

Талабаларнинг дастлабки мулоқот маданияти хусусиятларидаги фарқлар яққол кўзга ташланади: 1) айримлари шаҳарда, айримлари эса қишлоқ худудларида тарбияланадилар, шаҳар ёки қишлоқ мактабларини битирадилар; 2) турли миллий ва этник гуруҳларга мансубдирлар. Қизлар ва ўғил болалар мулоқот маданиятининг дастлабки ҳолатидаги фарқларни ўрганишда гендер жиҳатлари алоҳида аҳамият касб этади.

Талабаларнинг мулоқот маданиятини шакллантириш ўз-ўзини тарбиялаш ишларини ҳамда, тегишли педагогик муҳитни яратишни ўз ичига олади.

Мулоқот маданияти ҳақида батафсил тўхталиб ўтсак у бир неча таркибий қисмларни ўз ичига олади:

- нутқ одоби маданияти
- фикрлаш маданияти
- тил маданияти
- нутқ маданияти

Нутқ одоби маданияти мулоқотнинг мақсади, мазмуни ва шароитига мос, унинг оғзаки шакллари (сўз, ибора) ни танлашнинг автоматизми, таъсирчанлиги билан белгиланади.

Талаба фикрлаш фаолиятида – талаба ва гуруҳ, талаба ва ўқитувчи ўртасида педагогик мулоқот муаммоларини шакллантириш ва ҳал қилиш, яъни коммуникатив вазифаларни бажариш шаклини олади.

А. А. Леонтиев (2007) маълумотларига кўра, булар:

1. мулоқотнинг мақсад ва сабаблари
2. аудиториянинг ўзига хос хусусиятлари
3. мулоқот олиб борилаётган шароитга боғлиқлик (сокин ёки шовқинли атмосфера)

Инсоннинг фикрлаш маданияти унинг фикрларини йетказиш воситалари ва келтирилган фикрни шакллантириш йўллари танлашда намоён бўлади. Тафаккурни шакллантириш воситаси ва усули сифатида қараладиган тил нутқ хатти-ҳаракати маданиятининг алоҳида таркибий қисми вазифасини бажаради.

Мулоқот маданиятини мураккаб ва ундан ҳам кам ўрганилган мулоқот жараёнига боғлаб бўлмайди. Ҳаммамиз кўп қийинчиликсиз бир-биримиз билан мулоқотда бўламиз, бир-биримизга таъсир ўтказамиз, болалигимиздан нутқ фаолиятини асосий алоқа воситаси сифатида ўзлаштирганмиз. Шунга қарамай, мулоқотнинг кўп ўлчовли табиати, жумладан, турли хил функциялар ва томонлар, оғзаки ва оғзаки бўлмаган мулоқот турли йўналишдаги олимлар томонидан илмий тадқиқотларнинг жиддий мавзусидир. Адабий манбаларни таҳлил қилиш ва кўп йиллик ўз тажрибамиз асосида ишбилармонлик мулоқоти функцияси структурасини очиб беришга, унинг самарадорлигини ошириш йўллари кўрсатишга ҳаракат қиламиз.

Нафақат талабалар балки, ўқитувчи учун мулоқот санъати энг



муҳим касбий хусусиятдир, чунки мулоқот таълим ва тарбияни амалга оширишнинг асосий воситаси ҳисобланади. Бинобарин, ўқитувчи ишининг самарадорлиги кўп жиҳатдан ўқитувчининг коммуникатив қобилиятининг ривожланиш даражасига ҳам боғлиқдир. Ўқитувчи ўз фаолиятида мулоқотнинг барча вазифаларини амалга ошириши керак - ахборот манбаи сифатида ҳам, бошқа шахс ёки одамлар гуруҳини биладиган шахс сифатида ҳам, жамоавий фаолият ва муносабатлар ташкилотчиси сифатида ҳам.

Мулоқот маданияти ўзаро фикр алмашилиш фаолияти сифатини характерлашидан келиб чиқиб, мутахассисни педагогик шакллантириш тизимида бу жараёнга алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Талабаларнинг мулоқот маданиятини шакллантириш тарбиявий жараёнининг асосий шартларидан биридир. Мулоқот маданияти ахборот алмашилиш фаолиятининг сифатини тавсифлашидан келиб чиқиб, биз бўлажак мутахассисларнинг шаклланиши тизимида бу жараёнга алоҳида эътибор қаратмоғимиз лозим. Касбий фаолиятга тайёргарлик турли йўналишларда коммуникатив маданиятнинг таркибий қисмларини шакллантиришни ўз ичига олади: мотивацион-қадриятлар, мазмуний ва амалий.

Талабанинг мулоқот маданиятини шакллантириш учун мулоқот вазифасини ҳал этиш шакли, жумладан, тил восита ва нутқ сифатида, фикрларни шакллантириш ва уларни йетказиш

усули сифатида алоҳида аҳамият касб этади. Мулоқот маданиятининг асосини социаллик, яъни одамлар билан мулоқот қилишга бўлган барқарор интилиш, тезда алоқа ўрнатиш қобилияти ташкил этади. Социаллик етарли даражада юқори коммуникатив салоҳият кўрсаткичидир. Мулоқотга киришувчанлик шахснинг хусусияти сифатида олимлар фикрига кўра қуйидаги компонентларни ўз ичига олади:

- мулоқот қилиш - мулоқот жараёнидан завқланиш қобилияти,
- ижтимоий яқинлик – жамиятда фаол бўлиш, бошқа одамлар қаторида бўлишга интилиш;
- алтруистик тенденциялар - эмпатия, ўзини бошқа одам дунёсига ўтказиш қобилияти сифатида ўзини ҳамдардлик, бошқа одам ички кечинмаларини ва хиссиётларини ўзидан ўтказа олиш сифати.

Изланишлар босқичида мулоқот кўрсаткичларини ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган моделини амалга ошириш бўйича экспериментал дастур ишлаб чиқилди (1-расм). Мулоқот маданиятнинг асосий хусусиятлари очиб берилди: умуминсонийлик, ижтимоий нормаларни узатишда меъёр, "тескари алоқа" самараси.

Иккинчи босқич - шаклланиш босқичи. Ушбу босқичда, университет ва коллеж талабалари мулоқот маданияти ривожланишининг асосий таркибий қисмлари аниқланди, мезонлар тизими (барқарорлик, ижодкорлик, ҳамдардлик, мулоқот маҳорати ва нутқ маданияти даражаси, шу жумладан,) аниқланди,



мулоқот маданияти ривожлантириш Ушбу босқичда университет ва коллеж талабалари мулоқот маданияти ривожланишининг асосий таркибий қисмлари аниқланди, мезонлар тизими (барқарорлик, ижодкорлик, емпатия, коммуникатив компетентлик ва нутқ маданияти даражаси) қайта ишланди, таълим муҳитининг мулоқот маданиятини ривожлантиришга таъсири ҳақидаги гипотезалар асосий қоидалари модели (2-расмда келтирилган), коллеж талабалари учун методик таъминотнинг энг муҳим қоидалари бу ўрта махсус касб-ҳунар таълими тизимида мулоқот маданиятини ривожлантириш.<sup>2</sup>

Дастлабки хулосалар Халқ таълими вазирлиги ва олий ўқув юртлари томонидан ишлаб чиқарилган. Бу босқичда талабаларнинг экспериментал гуруҳлари тузилиб ўрганилган.

Бугунги кунда талабалардан янгича фикрлаш, янгича муносабатлар талаб этилаётган экан, унинг билимдонлиги қай даражада эканлигини таҳлил қилиш ўта муҳим саналади. Бунда албатга педагогнинг касбий билимдонлиги ва компетентлиги алоҳида ахамият касб этади. Шу ўринда эса талабаларнинг мулоқотга

киришувчанлиги, ўз фикраларини эркин баён қила олиши жуда муҳим аспектлардан ҳисобланади. Бунинг сабабини қуйидагича изоҳлаш мумкин: Талабаларда мулоқот маданияти мезонлари ва уларни ривожлантириш ишлари олиб борилар экан, биринчи навбатда улардаги фикрлаш қобилияти, ақлий салоҳиятига эътибор қаратиш лозим бўлади, негаки уларда мулоқот маданияти ҳақида қанчалик кўп билим ва кўникмалар бермайлик, мустақил фикрлаш, атроф-муҳитни анализ қилиш хусусияти бўлмаса барча олиб борилган чора-тадбирлар зое кетиши эҳтимолдан ҳоли эмас.


Мамалакатимизда олиб борилаётган ислохотлар негизда ёшларимизни эртанги куннинг етук ва малакали кадрлари этиб тайёрлаш, миллий қадриятлар ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш кабиларга ҳам алоҳида урғу берилади. Малакали кадр бўлиб йетишида касбий салоҳият ва албатта инсонлараро ахборот алмашиниш учун мулоқот маданиятининг ривожлантириш талабалар ва ўқитувчиларнинг профессионал таълим беришдан кейинги асосий ўринни эгаллайди.

<sup>2</sup> ИЛЬЕНКОВ, Е. В. 2002. В школе нужно учить думать. Москва, Воронеж: Изд-во

Московского психолого-социального института. ISBN 5-89502-307-X



**Мақсад: талабаларнинг мулоқот маданиятини ривожлантириш, Эмпатия кўринишларини кўллаб-қувватлаш, мулоқот мезонларини ошириш**



Шахслараро мулоқот / конструктив мулоқот

Мулоқот кўрсаткичларини ўрганиш

Ижодий ҳамкорлик / тренинглар / бизнес ўйинлар


Дарсларнинг муаммоли мавзуси: экзистенциал саволлар, психологик вазиятлар

Талабаларнинг мулоқот кўрсаткичлари даражасини ошириш, уларнинг замонавий жамиятнинг кўп маданиятли давраларда конструктив мулоқот олиб боришга тайёрлиги / мулоқот тажрибаси

Мулоқот талабаларнинг биргаликдаги ижодий фаолияти сифатида таълимнинг ҳаётий мазмунини, ахлоқий муносабатлар тажрибасини, умуман мулоқотнинг маънавий-эстетик қимматини очиб беришга қаратилган



1-расм. академик лицей ва коллежлар талабаларининг мулоқот маданияти модели





## **2-расм. Талабаларнинг мулоқот маданиятини ривожлантиришни рағбатлантириш, университет ва коллеж таълим муҳитининг модели**

Учинчи босқич - умумлаштирувчи босқичда ишлаб чиқилган моделнинг самарадорлиги бўйича дастлабки ва олинган маълумотларни сифат ва миқдорий таҳлил қилиш амалга оширилди. Бу даврда тажриба гуруҳларининг йигитлар - қизлар мулоқот маданияти динамикаси ўрганилди, тажриба ишларининг умумий натижалари мазмун даражасида талқин этилди, асосий тадқиқот хулосалари шакллантирилди, алоҳида мезонлар асосида олинган маълумотлар умумлаштирилди.

Таълим тизимида компетентли ёндашувни амалга ошириш учун реал ҳаётда ва касбий амалиётда асосий компетентлигини кўллаш қобилиятига эга бўладиган ахборот технологиялари йўналиши кадрларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш зарур.

Мамлакатимизда узлуксиз таълим тизимини ислоҳ қилиниши, яъни таълим стандартлари асосида таълим ва тарбия жараёнини қайта ташкил этишга киришилган бир пайтда ўқитувчи фаолиятига, унинг педагогик маҳоратига алоҳида эътибор берилмоқда, чунки айнан ўқитувчи мураббийгина баркамол авлод бунёдкори саналади.

Дарсларда мулоқот учун барқарор муҳитни яратиш бир қатор педагогик шарт-шароитларни ташкил этишни осонлаштиради:

- маданият ва шахс динамикаси ўртасидаги боғлиқлик асосида таълим жараёнининг умумий маданий,

ижтимоий, таълим ва тарбия компонентларини самарали аралашмаси; миллий ва умуминсоний қадриятлар, ахлоқий ва эстетик идеаллари томонидан таълим мазмунини аниқлаш; синфхонларла мунозара муҳитини яратиш; талаба мустақил ижодий фаолиятини рағбатлантириш;

- педагогик фаолиятни босқичма-босқич, мақсадга мувофиқ ўтказиш, жумладан, ўқитувчи ва талабалар ўртасида функционал вазифаларни тақсимлаш, ҳамкорликнинг умумий мақсади, вазифалари, сабаблари ва маъноларини шакллантириш; таълим жараёнини кузатиш, педагогик фаолият йўналишларини аниқлаш, дастурий ва методик ёрдам тайёрлаш; таълим жараёни иштирокчиларининг психологик-педагогик тайёргарлиги; тажриба материални умумлаштириш, университетда ўқув муҳитини яратиш бўйича методик тавсиялар ишлаб чиқиш, ўқитувчилар учун ўқув дастурлари ва методик тавсиялар тайёрлаш;

-фаолиятга асосланган, шахсга йўналтирилган, ёндашувларнинг ўзаро муносабати ҳамда мулоқот маданияти ғоялари;

- ўқув жараёнидаги ўқув дастурларини мувофиқлаштириш ва мулоқот маданиятини ривожлантириш мезонлари билан уйғунлаштириш.

Талабанинг мулоқот маданиятини ривожлантиришда алоҳида йўналиш бу нутқдир. Биз нутқ маданиятини



инсоннинг умумий маданиятлиги, интеллектуал ривожланишининг кўрсаткичи деб эмас, балки ҳаётнинг турли соҳаларида муваффақиятли касбий фаолият олиб боришнинг асосий шартини деган хулосага келдик. "Нутқ жамият манфаати. Жамият, аввало, она тилининг тарихан таркиб топган меъёр ва бойликларини қатъий ҳимоя қилишдан манфаатдор. Нутқ нафақат грамматик тўғри, балки мазмуни ва шакли бўйича ҳам мукамал бўлиши керак. Нутқни сифатини такомиллаштириш имкониятлари деярли чексиздир. Ҳар бир инсон биринчи даражали спикери бўлишини ўзидан талаб қилиши керак эмас, лекин ҳар бир шахс ўз фикрларини оғзаки нутқнинг жонли шаклида ифодалаш учун аудитория олдида гапира олиши керак.

Талабаларда нутқ маданияти даражасини ошириш учун махсус машқлар бажариш, монолог нутқлар мавзулари ва ижодий жамоавий вазифалар таклиф этилди.

Мулоқот маданияти даражасини диагностика қилишда талабалар гуруҳлари тажриба қатнашчиларини педагогик кузатиш; мулоқот маданиятини ривожлантириш мезонларини аниқлаш, барқарорлик, ижодкорлик, эмпатия каби конструктив мулоқот сифатлари каби усуллар ёрдамида амалга оширилди.

Шунингдек мақолада, мулоқотда юзага келадиган муаммоларни конструктив ҳал этишга интилиш, ўз-ўзини баҳолаш даражасини баҳолай оладиган ақлий ва ҳиссий ҳаракатчанликни, ижодий фикрлашнинг

шарт-шароитларини баҳолади, бу еса мулоқот маданиятида, ижтимоий ва касбий қарашларнинг ўсишига олиб келади. Мақолада талабаларнинг нутқ маданияти даражаси ҳам очиб берилган. Уларнинг коммуникатив кўникмалари, яъни мулоқотга киришиш қобилияти; ўз ҳиссиётларини бошқариш; кузатиш; мулоқотдаги шерикнинг психологик хусусиятларини англаш каби мулоқот маданияти кўрсаткичлари ўрганилди.

Ўтказилган изланишлар давомида мулоқот маданиятини ривожлантиришнинг умумий мезонлари белгилаб олинди. Ушбу мезонлар асосий хусусиятларига кўра гуруҳланган ва шахснинг муайян сифатига қаратилган:

- интегратив мезонлар - когнитив: ақлий ва эмоционал ҳаракатчанлик, ижодий фикрлаш учун руҳий шарт-шароитлар, ўз-ўзини баҳолаш даражаси; мулоқотга киришувчанлик; оператив: шахснинг касбий аҳамиятли мулоқот сифатларини шакллантириш, фаолиятга маъсулиятли муносабат ва бошқалар.;

- коммуникативлик: ижтимоийлик, артистизм, интуиция ва бошқалар.;

- рефлексивлик: очиқлик, эмпатия, мулоқот жараёнида ўз-ўзини назорат қилишга тайёрлик ва бошқалар.;

- сўзлашув компетенцияси: тинглаш қобилияти, нутқ маданияти, конструктив диалог тузиш кўникмалари, новербал мулоқот воситаларга эғалиги, мулоқотнинг самарилиги ва бошқалар.

Тадқиқот жараёнида талабаларнинг мулоқот маданияти даражасига таъсир кўрсатишининг



муҳим хусусияти мулоқотнинг маҳсулдорлиги эканлиги аниқланди.

Амалга оширилган моделлар асосида мулоқот маданиятини ривожлантириш жараёнида аниқланишича талабалар нафақат энг муҳим вазиятларни, стратегияларни, технологияларни ўзлаштириб эслаб қоладилар, балки, ижобий мулоқот тажрибаси, янги кўникмалар орттириб натижада ўзлари учун маълум хулосаларга келиб, ўқув жараёнида мулоқот ва унумли мулоқотнинг аҳамияти ҳақида янгича қарашни шакллантиради.

Шундай қилиб, коммуникаторни шакллантириш давомида талаба касбий мулоқот учун зарур бўлган билимларни эгаллаши, бу билимларни қўллаш олиши ва олинган билим ва кўникмалардан амалиётда фойдаланишни ўрганиши керак. Мулоқот маданиятини шакллантиришни педагогик кузатиш методи асосида баҳолаш мумкин, натижада қуйидаги мезонлар баҳоланади:

- касбий ва ижтимоий вазибаларни ҳал этишда мулоқотда унумли иштирок этиш (ахборотларнинг оғзаки ва оғзаки бўлмаган алмашинувини ташкил этиш қобилияти);

- касбий ва контекстуал вазиятларни ҳал қилишда мулоқот соҳасидаги билим, кўникма ва малакаларни фаол қўллаш (ўзаро таъсир

стратегияси ва тактикасини ишлаб чиқиш қобилияти);

- жамоада турли ижтимоий роллар ва мақомларда ишлаш қобилияти (биргаликдаги мақсадларга эришишга қаратилган биргаликдаги фаолиятни ташкил этиш қобилияти)<sup>3</sup>;

- мутахассис ва профессионал фаолият ва шахслараро мулоқот субъекти сифатида ўзларини етарли даражада шахс сифатида баҳолаш ва акс эттириш (шахсий хусусиятларни аниқлаш, ўзи ва суҳбатдошнинг фазилатларини аниқлаш, шунингдек, суҳбатдош томонидан қандай қабул қилинаётганини тушуниш қобилияти)<sup>4</sup>;

Айтиб ўтилган мезонлар асосида мулоқот маданияти кўрсаткичлари ҳам шаклланади. Мулоқот мотивлари турли сабаблари бўлиши мумкин. Бу ҳам бир мақсадга эришиш истаги, ахборот алмашиш ёки атрофдагилар фикримизни ўртоқлашишларини билиш истаги. Одатда, суҳбатдошга таъсир ўтказмоқчи бўлганимизда ёки муайян вазиятда ноаниқликдан халос бўлишни истаганимизда ёки тескари алоқа ўрнатмоқчи бўлганимизда мулоқот қилиш мотивацияси пайдо бўлади. Булардан ташқари талабанинг мулоқот маданиятини белгилаб берувчи энг асосий кўрсаткичлари:

- ўзбек тили адабий нормаларни билиш,

<sup>3</sup> Евстропова Н.С. Использование технологии «командообразования» в процессе обучения иностранному языку // Традиции и инновации в строительстве и архитектуре: материалы 71-ой Всероссийской научно-технической конференции по итогам НИР 2013. Самара: СГАСУ. 2014. С. 93-94.

<sup>4</sup> Илюхина М.О. О соотношении понятий «самовоспитание» и «самосовершенствование» // Известия Самарского научного центра РАН: социальные, гуманитарные, медико-биологические науки. 2014. Т.14. №2-4. С. 897-899.



- нутқ одоби қоидаларини билиши

- одоб-ахлоқ қоидаларига амал қилиши,

- Варвар сўзлардан фойдаланмаслиги<sup>5</sup>

Ушбу кўрсаткичлар талабалар мулоқот маданиятини қай даражада яхши билишлиарини белгиловчи асосий омиллар сирасига киради.

Мотивация талабанинг ўз устида ишлаш ва ривожланишга интилишида энг муҳим бўғинга айланади. Сўзлашув ва суҳбатдошни англаш мулоқот маданиятини шакллантириш учун биринчи қадам сифатида замонавий авлоднинг янги таълим стандартларида белгиланган умумпедагогик компетентликка ўргатишда ўқитувчи учун дастлабки вазифа ҳисобланади. Талаба мулоқот маданиятини аниқлаш ва ўлчаш усулларида нутқ жараёни ҳисобга олинмайди. Уни касбий фаолият шарт-шароитларини симуляция қилувчи вазиятларда мунозара ва симуляция машқлари ёрдамида билим даражасида баҳолашни таклиф етамиз. Ташкилий даражада-гуруҳ муҳокамаси элементлари билан мулоқот ва кичик гуруҳларда ишлаш орқали аниқлаш мумкин.<sup>6</sup>

<sup>5</sup> "Barbaros" (варвар, бошқа ерлик, грек бўлмаганлар) сўздан келиб чиққан бўлиб, қадимий греклар ва римликлар томонидан бошқа тилда гаплашадиган ва бошқа маданиятга эга халқларга нисбатан ишлатилган. Ҳозирги кунда тил-адабиёт соҳасига бу сўз "варваризм" шаклида кириб келган бўлиб, она тилига ўзлашмаган, ёт бегона, ўзлашган бўлса ҳам тилни бузган ҳолда ўзлашган сўзларга нисбатан ишлатилади.

<sup>6</sup> Ўқитувчининг касбий маҳоратини тадқиқ қилган педагог олимлар Ҳ.Абдукаримов, Н.Азизхўжаева, А.Алиев, Ю.А.Ахроров, А.А.Вербицкий, Р.Ҳ.Жўраев, Б.Р.Жўраева, Ж.Ф.Йўлдошев, С.М.Маркова,

**Хулоса:**

Талабаларнинг мулоқот маданиятининг асосий кўрсаткичлари: умуминсонийлик, ижтимоий нормаларни узатишдаги меъёр, "тескари алоқа" самарасидир. Кузатувларим таҳлилига кўра турли гуруҳларда талабаларнинг мулоқот маданияти ривожланиш динамикасини ўрганиш шуни кўрсатдики, мулоқот маданиятини ўзлаштириш, энг аввало, касбий маданиятни шакллантириш жараёнидир. Хулоса қиладиган бўлсак, мулоқот маданиятининг ривожланиши касбий ривожланиш жараёнига чамбарчас боғлиқдир. Умуман олганда, талабалар мулоқот маданиятини ривожлантиришда диққатни улар учун сезиларли даражада бўлмаган табиий факторларга аҳамият беришга йўналтириш ва аниқлашга қаратиш лозим. Мисол учун, суҳбатдош позициясини қабул қилиш, муаммони ҳал қилишда ташаббус кўрсатиш, зиддиятли вазиятни мулоқот орқали ижобийга айлантириш, унинг сабабларини таҳлил қилиш ва умумий қарашларни ривожлантириш, бошқа бировнинг фикрини тинглаш, суҳбатдошнинг кайфиятини ҳис қилиш

Г.М.Махмутова, Л.М.Митина, А.Г.Морозов, У.Н.Нишоналиев, М.Очилов, Б.Рахимов, Н.Саидахмедов, В.А.Сластёнин, Ў.Толипов, А.Р.Ходжабоев, А.А.Холиқов, Н.Шодиев, О.Ҳайдарова, А.А.Ҳамидов, Ф.Р.Юзликаевларнинг ишларида бўлажак ўқитувчиларнинг педагогик маҳорати, таълим технологияларидан фойдаланиш имкониятлари, талабаларнинг дунёқарашлари, касбий ва мулоқот маданиятини ривожлантириш йўллари ва усуллари, шунингдек, ўқитувчиларни касбий тарбиялаш ва тайёрлаш муаммолари тадқиқ этилган.



каби талабаларнинг шахсий хусусиятларини ривожлантириш зарур.

Тадқиқот давомида олинган натижаларни таҳлил қилиш асосида, талабаларнинг мулоқот маданиятини рағбатлантирадиган университет ва коллежнинг таълим муҳити бир қатор функцияларни амалга ошириши керак: гуманитар ва таълим, ижтимоий адаптив, маданий ва мантиқий, эстетик ва коммуникатив, таълим соҳасидаги ўқув курслари "нотиқлик санъати" алоҳида аҳамиятга эга. Бундай шароитда конструктив ва маҳсулдор диалог учун шарт-шароитлар яратилади, талабалар ўз маданий тафаккурини ривожлантиради, ўз устида ишлаш, ва ўзаро мулоқот қуриш кўникмаларини эгаллайди.

Таълим тизимининг барча босқичларида ёшларнинг ижодий истеъдодларини ривожлантиришга катта эътибор қаратиш лозим ўқитувчиларнинг асосий вазифаларидан бири-ёшларнинг ташаббуслар инновацион ғоя ва фикрларини, истеъдод ва иқтидорини ўз вақтида кўра олиш ва уни рўёбга чиқариш учун кўмаклашишдан иборатдир. Ёшлардан ташкилотчилик қобилияти ва бошқарув маҳоратини ривожлантириш орқали юксак маънавиятли етакчи ёшларни тарбиялаш, уларни мамлакатим тараққиёти ва унинг истиқболи учун

йўналтириш талаб этилади. Бугунги педагогнинг маънавияти, мафкуравий эътиқоди ва ўқув жараёнини яхши билши катта аҳамиятга эга.

Тадқиқот натижалари асосида қуйидаги илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқилди:

1. "Чет тил" фани мазмунига ўзаро мулоқот маданиятини ривожлантиришга доир ўқув материалларини танлаш ва тақдим этиш жараёнида матнлардан фойданиш методологик асос сифатида белгиланиши лозим.

2. Талабаларда мулоқот маданиятини ривожлантириш мезонларини шакллантириш мақсадида ижтимоий-психологик тренинглари дастурини ишлаб чиқиш лозим.

3. Амалий машғулотдан ташқари мустақил таълимда лингвомаданиятшуносликга доир материаллардан самарали фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

4. Ўқитувчиларининг малакасини ошириш жараёнида талабаларда мулоқот маданиятини ривожлантиришга йўналтирилган ўқув модуллари ва электив курсларни жорий этиш лози

### **Foydalanilgan adabiyotlar:**

1. БОНДАРЕВСКАЯ, Е. В. 2000. Теория и практика личностно-ориентированного образования. Ростов-на-Дону: Ростовский государственный педагогический университет. ISBN 5-86340-090-0
2. КАЗАКОВ, А. В. – ЗАКИРОВА, В. Г. – БИРОВА, 2017. Моделирование процесса формирования социокультурной компетенции у студентов лингвистического факультета, стр. 291-305. Номер ISSN: 00251569



3. СТУКАЛОВА О. В. – ОЛЕСИНА Е. П. 2015. Гуманитаризация образовательного процесса подготовки будущих учителей: концептуальные основы и перспективы. Казанский педагогический журнал, 3, стр. 124-129. Номер ISSN 1726-846X
4. Илюхина М.О. О соотношении понятий «самовоспитание» и «самосовершенствование» // Известия Самарского научного центра РАН: социальные, гуманитарные, медико-биологические науки. 2014. Т.14. №2-4. Стр. 897-899.
5. Капцов А.В., Колесникова Е.И. Взаимосвязь индивидуальных потребностей студентов и представлений о потребностях учебной группы // Вестник Самарской гуманитарной академии. Серия: психология. 2012. №1. 126-137.
6. Лопухова Ю.В. Теоретические аспекты воспитания толерантности как ключевой социальной компетентности у студентов вуза // Теоретические и прикладные аспекты современной науки. 2014. №2-2. С.26-36.
7. Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси, <https://lex.uz/docs/4545884>
8. “ТАЪЛИМ, ФАН ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИНТЕГРАЦИЯСИДА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САЛОҲИЯТЛИ ЁШЛАР-МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ” мавзусидаги XIV Республика илмий-амалий конференцияси материаллари, [https://samgasi.uz/files/files/Konferensiya%20maqolalari/27\\_05\\_2017/4-%D0%BA%D0%B8%D1%82%D0%BE%D0%B1%20%D1%91%D1%88%D0%BB%D0%B0%D1%80%20%D0%BA%D0%BE%D0%BD%D1%84%202017%20%D0%BC%D0%B0%D0%B9.pdf](https://samgasi.uz/files/files/Konferensiya%20maqolalari/27_05_2017/4-%D0%BA%D0%B8%D1%82%D0%BE%D0%B1%20%D1%91%D1%88%D0%BB%D0%B0%D1%80%20%D0%BA%D0%BE%D0%BD%D1%84%202017%20%D0%BC%D0%B0%D0%B9.pdf)
9. ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТНИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ АСОСИДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ, [http://iqtisodiyot.tsue.uz/sites/default/files/maqolalar/28\\_Teshabayev.pdf](http://iqtisodiyot.tsue.uz/sites/default/files/maqolalar/28_Teshabayev.pdf)
10. Иродов М.И., Разумов С.В. Создание системы управления качеством подготовки специалистов в ВУЗе // Университетское управление. - 2003. - 2. - С. 90-95
11. PEDAGOGICAL COMMUNICA GOGICAL COMMUNICATION: RELATIONSHIPS AND AND CHARACTERISTICS. Bayramali Raximovich Muqimov, <https://uzjournals.edu.uz/cgi/viewcontent.cgi?article=1497&context=namdu>
12. . Ochilova G. Pedagogik mahorat asoslari. Ma’ruzalar matni. – Toshkent, TDIU, 2012. – 142 b.
13. Ishmuhamedov R., Yuldashev M. Ta’lim va tarbiyada innovatsion pedagogik texnologiyalar. – Toshkent, Adabiyot uchqunlari, 2017. – B.59-62